Таваллудининг 110 йиллигига

# МИСКИН ТОШКАНДИЙ



**Кўпгина фусункор ғазаллар, сермазмун қўшиқлар, қалб ҳарорати билан битилган муашшаҳлар, мутақаббил шоирлар шеърларига боғланган зебо мухаммаслар муаллифи бўлган Мискин назм борасида қалам тебратишни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаган. У ўзининг 40 йиллик ижодий ҳаёти мобайнида ўрганишга арзигулик ижодий мерос қолдириб кетди. Бу йил унинг таваллуд топганига 110 йил тўлади.**

ТОШМУҲАММАД ўғли Мулла Қўшоқ 1880 йилда Тошкентнинг «Чорсу» даҳасида, камбағал темирчи оиласида туғилди. Мулла Қўшоқ 10—12 ёшларида отадан эрта етим қолди ва оғир ҳаёт кечирди. Хосият опа ўз ўғлининг ота йўлидан боришини истамади, чунки боласи туғилганида бармоқлари бирбирига ёпишган бўлиб, темирчилик касбини адо этишга йўл бермасди, шу боисдан ҳам уни «Қўшоқ» дея атагандилар (асли исми Ғулом-Халил бўлган).

Ҳаёт ғами остида эзилиб, машаққатли турмуш уринишлари туфайли Қўшоқ турли ҳунарлар билан шуғулланди—ўз амакиси Ҳошим новвой билан новвойчилик ҳам қилди. «Чорсу»даги боққолчилик дўконида ҳам ишлади. Ёшлигидан хат-савод ўрганишга интилган ўсмир Эски шаҳардаги мактабда ўқиди, сўнг мадрасада таҳсил кўриб, Саъдий, Ҳофиз, Бедил, Машраб, Навоий, Фузулийлар ғазалларини севиб мутолаа қилди ва уларга эргашиб, ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади, буюк устодлар ғазалларига муҳаммаслар боғлади. Бу йўлда унга айниқса ўша вақтларда яхшигина ном таратган шоир мавлоно Камий Тошкандий устозлик қилди ва ёш қаламкашга Шарқ шеърияти сир-асрорларини очиб берди, «Кўкалдош» мадрасасида машҳур шоир Муқимий билан бўлган учрашув ва шеърият ҳақидаги суҳбатлар ҳам Қўшоққа ўзига хос мактаб бўлди, у мавлоно Муқимий ғазалларига чиройли муҳаммаслар боғлашга ва устоднинг ўзига ҳам ўқиб беришга муяссар бўлди. Мулла Қўшоқ ўз шеърлари сўнггига «Мискин», яъни фақир, бечора деб тахаллус қўя бошлади.

Мискин ғазаллари, муҳаммаслари ёрқин маъною мантиқи равонлиги, соддалиги ва ранго-ранг бўёқлар билан битилган нозик ўхшатишлари, юксак бадиий шираси билан диққатни ўзига жалб этарди. Бу эса қатор халқ бастакору хонанда, созандаларининг диққатини Мискин ғазалиётига жалб этди ва айниқса халқ орасида донг таратган ҳофиз мулла Тўйчи билан ижодий мулоқотлар яхши самаралар берди. Севимли хонанда 1895 йилнинг ёзида «Чорсу» орқасидаги сой бўйида жойлашган Шоюсуф ака чойхонасида бўлиб ўтган нафосат кечасида дастлаб Мискин ғазали билан машҳур «Гиря»ни ижро этиб, санъат мухлисларини иқтидорли ёш қалам соҳибининг назми билан таништиришга муяссар бўлганди. Шунингдек, нафосат кечасида қатнашиш ва шоир Хислат, Норхўжа аскиячи, истеъдодли халқ созандалари Шобарот, Шожалил ва Шораҳим акалар билан ижодий мулоқотлар ҳам ёш шоирга, унинг ижодий парвозига руҳий мадад берди. Қулфи-дили очила бошлаган Мискиннинг инжуранг мисралари билан битилган ғазалларини ҳофизлар халқнинг ноёб куйларига пайванд қилиб, омма ўртасига олиб чиқа бошладилар, энди унинг қўшиқлари тўйларда, сайилларда, наврўзларда ҳам ижро этила бошлади. Мулла Қўшоқ лирикаси айниқса ўзининг замондош ёшлари ўртасида кенг акс садо берганди—унда соф муҳаббат, ҳақиқий ёр висоли, севгининг ўткир изтироби, дарди, маҳбубанинг вафосию нозистиғнолари ҳаётий бўёқлар, беназар чизгилар билан ташбеҳ этиларди:

**Ҳуснингни эй париваш эълона этайму этмай,**
**Ё дил уйида сақлаб, пинҳона этайму этмай.**
**Ўлдим ғамингда охир душманнинг таънасидан**
**Эй ғунча лаб дилимни сўзона этайму этмай...**

Ноҳақ тузум меваси бўлган ижтимоий тенгсизлик мулла Қўшоқ ва унга ўхшаш кўплаб нотавонлар оҳу доди, ҳаёт азоб-уқубатлари, чоризмнинг маҳаллий фуқарога кўрсатиб келаётган жабр-зулми шоир ижодида эрта аксини топа бошлади, унда ғариб ва нотавон Мискиннинг ғам-алами ҳам инъикос этиларди:

**Жаҳон саҳнида йўқ мендек ғарибу нотавон дўстлар,**
**Чекурман ғам, алам, ҳар кун бўлур ҳолим ёмон, дўстлар...**

Мискин Тошкандийнинг айниқса 1910 йиллардаги назмиётида «уйғониш» жараёни жадал кечаётганини, ҳамма балоларнинг сабаби билимсизликдадир деган тушунчанинг авж олиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Бу даврдаги шоир шеъриятининг маърифатпарварлик ғоялари билан тўлиб-тошганлигини яққол кўрамиз:

**Илм эрур бешак, билингиз, дардимизнинг чораси,**
**Илмсиз битмас маризу жаҳлимизнинг ёраси,**
**Илм ила бўлғай мусаффо кўнглимизнинг қораси...**
**Илм айлайлик тараддуд, вақт ғанимат дўстон!**

1914 йилда ёзилиб, матбуотда ёритилган Мискин шеърларини кўздан кечирарканмиз, унинг ўз замонасининг илғор фикрли ватанпарвар, халқпарвар шоири, маърифатпари сифатида жадидчилик ҳаракатига ҳам алоқадор бўлганлигини идрок этамиз ва қуйидаги мисраларидан ҳам кўрамиз:

**Йиғла эй кўз ҳолимизга дам-бадам сан энди қон,**
**Жаҳл домиға асир ўлдук илмсизлик билон...**

Қалам соҳибининг ўз элида илм-фан тараққий этмаётганлиги, қашшоқлик, адолатсизлик, жаҳолатпарастлик тобора авжга миниб бораётганлигидан азиятлар чекаётганининг шоҳиди бўламиз. «Жадид»лик, яъни янгиликка, эркка интилиш, ҳурфикрликни тараннум этиш, ижтимоий тенгсизликни маҳв қилиш, ҳаётни янгича аснода ислоҳ этишга даъват — шу даврлардаги Мискин шеъриятининг ғоявий, бадиий йўналишини белгилайди. Ўз вақтида Ойбек «Ўзбек поэзиясининг тарихий тараққиёти тўғрисида» деб номланган мақоласида таъкидлаганидек: «Шоир Авлоний, Завқий, Камий, Мискин шеърлари ҳурриятпарварлик ҳисси билан суғорилган. Улар халқни тараққиётга даъват қилдилар, нодонликни, жаҳолатни қораладилар, ҳаётни ислоҳ этишга чақирдилар». Ҳа, Мискин ҳам худди машҳур Мунаввар қори, Беҳбудий, Сўфизода, Хуршид, Тавалло, Абдулла Бадрий, Фитрат, Хислат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Маннон Уйғур, Ғулом Зафарийлар сингари ушбу тарихий ҳаракат яловбардорлари сафида бўлди ва чинакам фидойилик кўрсатди, миллий маданиятимиз равнақига баракали ҳисса қўшди.

Шоир Мискин Тошкандий Октябрь инқилобини ва ундан сўнг барпо этилган янгича ҳаётни кўришга муяссар бўлди. У инқилобнинг дастлабки кунларидаёқ озодликка, янги турмушга, шўроларга бағишланган шеърлар, ҳурриятни тараннум этувчи жўшқин қўшиқлар яратиб, эл таҳсинига сазовор бўлди.

Инқилобдан кейинги даврдаги ижодиётда шоир мурожаат қилган мавзулар ранго-ранг бўлиб, янгича имтимоий-сиёсий тузумнинг, янгича маданий ҳаётнинг долзарб муаммолари Мискин шеъриятида ўз аксини топган эди. Шоир шахс эркинлиги, савод чиқариш, пахта ва пахтакорлар, Совет Армияси, ўқитувчилар, Ватанга муҳаббат, аёлларни озод этиш — «Ҳужум» ҳаракати ҳақида қўшиқлар битди. Ўткир қалам соҳиби ўз ижодий ҳаётида кўпгина ғазаллар, муҳаммаслар, назиралар, муашшаҳлар яратди. Ҳаётлигидаёқ икки девон тузди — бири 200 бетдан иборат бўлиб, унга инқилобга қадар битилган асарлар, яна бирига эса инқилобдан кейин ижод қилган шеърлари киритилган эди. Афсуски, иккала девоннинг ҳам қўлёзмаси ўз муаллифининг қазосидан сўнг йўқолиб кетган, ҳанузгача топилмай келмоқда. Мазкур қўлёзмаларни излаб топишда Мискиннинг ўғли — шоир Муҳаммаджон Қўшоқов ҳам жиддий ҳаракатлар қилиб келмоқда эди. Бироқ кутилмаганда у ҳам ҳаётдан кўз юмди... Шундай бўлсада, Мискин Тошкандийнинг бир қатор шеърий асарлари унинг авлодига мансуб кишилар қўлида, шоир мухлисларида сақланиб келмоқда. Қолаверса, саховатли қалам соҳибининг ғазаллари билан машҳур хонандаларимиз, беназир ҳофизларимиз — мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, ака-ука Сўфихоновлар, Юнус Ражабий, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокиров, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, ака-ука Шожалиловлар, Акбар Ҳайдаров, Турғун Каримов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Лутфихоним Саримсоқова, Карим Мўминов, Ғулом Абдураҳмонов, Мурожон Аҳмедов, Маҳмуджон Ғофуров, Жамол Низомхўжаев, Ориф Алимаҳсумов, Исҳоқ Катаевлар жозибали, қалбларни сел қиладиган ашулалар ижро этганлар. Барча назмий асарларини жам этиб, Мискин Тошкандийнинг шеърлар тўпламини чоп этиш палласи ҳам аллақачонлар етди— афсуски бундай хайрли иш шоир таваллудининг 90, 100 ва на 110 йиллиги муносабати билан ҳам амалга оширилмади. Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти бу ҳақда ўйлаб кўрса айни муддао бўларди. Яқинда Ўзбекистон радиоси жуда ибратомуз ишни амалга оширди — «Мискин ғазалиёти» деб номланган адабий-мусиқий эшиттириш тайёрлаб, санъат ва адабиёт мухлисларига тақдим этди. Энди Мискин ғазаллари билан ижро этиладиган қўшиқларни ҳам ёзиб олиб, «Мискин лирикаси» деб номланган грампластинкалар альбоми чиқарилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу кунларда пойтахтнинг Собир Раҳимов ноҳиясидаги маҳаллалардан бири шоир Мискин номи билан аталиб келмоқда. Аммо эл хизматида узоқ йиллар заҳматлар чекиб, баракали ижод қилган атоқли ижодкор хотирасини абадийлаштириш борасида бунинг ўзи етарли эмас деб ўйлаймиз — Тошкентдаги мактаблардан бирига ҳам шоир, маърифатпарвар маданиятимиз жонкуяри Мискин Тошкандий номи берилса адолатдан бўлур эди, зеро мана шу иқтидорли ижодкор ҳам шахсга сиғиниш даврида адолатсиз айбланган эди, унга ҳам ажойиб қалам соҳиблари, азиз тошкентлик биродарлари Хислат, Хуршид, Тавалло, Қодирийлар сингари «пантуркист», «миллатчи» каби қора тамғалар босилганди. Бунингдек ноҳақликка, ҳақоратларга чидолмай, азият чеккан Мискин қаттиқ ларзага учради ва мия қон томири жароҳатланиб, фалаж касалига дучор бўлди. 1937 йилда оламдан ўтди.

— 1937 йилда Мулла Қўшоқ домлани зиёрат қилгани Эски шаҳарга равона бўлдим. Мискин узоқ вақтлардан бери фалаж бўлиб, уйда ётардилар. У муҳтарам зотнинг бундай аҳволга тушганини кўриб, қаттиқ изтироб чекдим, юм-юм йиғладим. Наҳотки элга шунча хизмат қилган одам мана шундай аянчли аҳволга тушса, — дея эслайди ўша кўланкали йилларни ССЖИ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофоти лауреати, шоир қўшиқларининг ижрочиси Тамарахоним.

Ҳа, қайта қуриш, демократия, ошкоралик тобора авж олаётган бир паллада, атоқли шоир таваллудига 110 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси Мискин Тошкандий хотира кечасини уюштирадилар, унинг шу пайтгача обод этилмаган қабрига муносиб ёдгорлик ҳам ўрнатадилар деган умиддамиз. Ахир киши қалбини ром этган нафис ва фусункор ғазаллар, дилларни ҳаёт дарди ва севинчлари билан хушнуд қилган жозибадор қўшиқлар яратган, «Бизни ташлаб», «Қошлари қаламлар», «Эй чеҳраси тобоним» каби жонли, сержило ашулаларию ҳузурбахш ва умрбоқий «Тошкент ироғи» билан нафосат дурдоналарини бизга улашган, меҳр ришталарини қалбларга пайванд этган шоир ва беназир санъаткор бунга арзигулик-ку!...

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ,**
**ССЖИ Ёзувчилар, Театр арбоблари, Журналистлар уюшмаларининг аъзоси, Тошкент давлат маданият илмгоҳининг доценти.**



## Мақсад—дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш

Ла «Муфрина» фольклор ашула ва рақс дастаси Италиянинг халқ санъати билан таништирувчи кенг дастур билан Ўзбекистон пойтахтига келди. Мақсад — дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашдир.

Ла «Муфрина» жамоасининг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий илмгоҳининг талабалари билан учрашуви катта дўстлик байрамига айланиб кетди. Ана шу олий илмгоҳнинг ҳаваскор артистлари — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг нишондори «Ором» халқ рақс дастаси август ойида Италияда бўлиб қайтган эди. Деҳқончилик-саноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси ана шу маданий айирбошлашнинг раҳнамосидир.

Олий илмгоҳдаги байрамда эстрада артистлари Бутуниттифоқ танловининг нишондори Нодира Зиёхонова, Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедова, артист Соат Шарипов иштирок этдилар.

СУРАТДА: Ла «Муфрина» (таржимаси «Келинг, рақс тушамиз» маъносини англатади) дастаси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий илмгоҳининг маданият саройида ўз санъатини намойиш этмоқда.

А. Рисқиев (ЎзТАГ) сурати.



## Шартномага мувофиқ

● УКРАИНА ССЖ. Львовдаги «Биотехнология» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида совет, бельгиялик ва Ғарбий германиялик шерикларнинг саъйи-ҳаракати билан «Силуэт Дави-Дан» тикувчилик корхонаси ташкил этилди. Бу йил ана шу ерда хотин-қизлар блузкаларининг 13 хил моделини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Газламаларнинг ёрқин бўёқлилиги, турли-туман бичилиши, безакларнинг бекаму кўстлиги ва юксак дид билан тикилиши корхона маҳсулотларининг мамлакатимизда ва хорижий бозорларда рақобатбардошлигини таъминлади.

Газлама, ип ва бошқа материалларни шериклар етказиб беришади. Тикувчилик ишларини ихтиёрида модельер-рассом бўлган тикувчиларнинг ихчам жамоаси хорижий дастгоҳларда бажаради. Шартномага мувофиқ тайёр буюмларнинг учдан икки қисми чет эллик шерикларга жўнатилади, қолганини корхона давлат дўконлари орқали сотади. Ҳозир блузкаларнинг яна саккиз модели ишлаб чиқаришга тайёрлаб қўйилган. Уларнинг айримлари совет газламаларидан тикилади.

СУРАТДА: «Силуэт Дави-Дан» корхонасида мана шундай блузкаларни тикишади. Ҳар ойда 2 мингта блузка тикиб чиқарилади.

Б. Криштул (ТАСС) сурати.

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

# «УЧАР ЛИКОПЧА» АФСОНАМИ?

ДАРҲАҚИҚАТ, XX аср, айниқса, унинг тўртинчи чорагида «Ноаниқ учар объектлар»ни кўрдим, деяётган одамларнинг сони кун сайин бўлмаса ҳам, ҳар қалай кўпайиб бораётганлиги аниқ. Бу борада қўшимча қилиб шуларни айтиш мумкин.

Бир пайтлар ёзёвонлик Нафиса Давронованинг номи одамлар оғзига тушиб, кўпгина миш-мишлар тарқалган эди:

— Нафиса «Учар ликопча»ни кўрганмиш...

— Нафиса ўзга сайёраликлар билан гаплашганмиш...

— Ўзга сайёраликлар Нафисани яна юз кундан кейин олиб кетармиш...

Орадан юз кун ҳам ўтди. Нафиса ҳақидаги миш-мишлар қайта тикланди.

— Нафисани олиб кетмаяптику!..

— «Учар ликопча»ни кўргани бекор экан...

Хуллас, бу ва шу каби миш-мишлар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Шундан кейин Фарғонадаги «Коммуна» рўзномасининг мухбири Қодирали Аҳмадалиев Нафиса билан суҳбат ўтказди. Суҳбат «Коммуна»нинг 1 январь сонида эълон қилинди. Унда айтилишича, ўзга сайёраликлар Нафисани олиб кетмаган. Аммо, орадан юз кун ўтгач, Нафисанинг ички аъзоларида, айниқса, унинг марказий асаб тармоқларида, аниқроғи нейронларида ўзгариш содир бўла бошлаган. Унда ўзга сайёраларга интилиш ҳислари туғилиб, тунлари ухлолмаган. Ҳатто улар билан учрашган. Ораларида суҳбат ҳам бўлган. Лекин барча воқеаларни «уларнинг илтимосига биноан» сир тутган. Сирни ёш болаларга хос қилиқлари билан очиб қўйганда тегишли жазони олган. Шу боис у мухбирнинг берган саволларига тўлиқ жавоб беришдан бош тортган. Аммо ўзга сайёраларга кетиш ниятини яширмай ошкора тан олган.

Бу воқеага-чи, нима деса бўлади? Афсонами ёки ҳақиқат?

Орадан кўп вақт ўтмай «Ёш ленинчи» рўзномасида «Ўзга сайёрада икки соат» номли мақола босилиб чиқди. Мақолада айтилишича, яхшигина лавозимда ишлайдиган Ҳасан Саидов «Ўзга сайёра»ларда икки соат вақтини ўтказган. У ерда кўрган-билганлари ҳақида ҳам ахборот берган. Бунисини-чи, қандай баҳолаш мумкин?

Албатта, бундай воқеаларни кўплаб мисол қилиб келтириш мумкин. Лекин бу ҳақда қанча гапирмайлик, барибир улар саргузашт туюлади. Бунинг боиси нимада?

Келинг, унинг сабабларини биргаликда ахтариб кўрайлик.

Кўпгина тажрибаларга эга бўлган Валентин Николаевич Фоменко ноаниқ объектлар устида амалий ишлар олиб борар экан, шундай дейди: «Буларнинг барчаси глюон занжирлари туфайлидир».

— Хўш, глюон занжирларининг ўзи нима?

«Глюон» сўзи инглизча сўз бўлиб, у «Сирач» деган маънони билдиради. Занжирнинг оғирлиги ўн олти тоннага тенг бўлган ҳамда иссиқликка чидамлилиги ўта кучли заррачадир. У фақатгина заррача бўлмай, балки инсон онгига эквивалент бўлган заррачадир. Унинг ҳаракати тўлқинсимон бўлиб, тезлиги ёруғлик нурининг тезлигидан ҳам катта. Шуниси қизиқки, у ер саҳнидаги барча воқеалардан хабардор бўлиб, бу воқеаларни тўплаб, уларни программалаштирилган банк омборларига юбориб туради. Шунингдек, инсон онги билан истаган пайтларида алоқада бўлиб, уни бошқара олиш хусусиятига ҳам эга. Бизнинг руҳий энергиямизга бевосита таъсир этиб, уни кўпайтира олади. Энг муҳими, программалаштирилган банк омборларидаги истаган воқеалардан бирини кўрсатиб, таништиради. Шу боис биз бирор воқеани, гарчи гувоҳи бўлмасак ҳам, қаерлардадир кўргандек бўламиз. Лекин биз заррачалар ва уларнинг қобилиятларига лоқайд бўлганлигимиз туфайли уларнинг қилмишларига ишонгимиз келмайди. Аммо бу бизнинг айбимиз эмас. Лекин вақт келади, айтилаётган бу фикрларнинг барчаси амалда исбот этилади. Шунда «Учар ликопча»лар ҳам, умуман, биз учун жумбоқ ҳисобланиб келинаётган барча ноаниқ объектлар ҳам маълум бўлади.

Ноаниқ учар объектлар ҳақида кўпгина олимлар ўз фикрларини маълум этадилар. Қуйида эса улардан яна бирини келтирамиз.

Охирги маълумотларга қараганда, ҳар қандай «бўш» фазода, яшаш даври бир қанча секундларга тенг бўлган заррача ва акс заррачалар бўлади. Улар бир-бирлари билан ўзаро жуфтлашишлари мумкин. Шундай бўлади ҳам. Шуниси қизиқки, уларнинг жуфт турган даврлари ҳам жуда кичик. Бир пайтнинг ўзида ҳам бор, ҳам йўқ бўлиб турадиган бундай заррачаларни олимлар виртуаль заррачалар деб номлашган. Бу заррачаларнинг жуфтлашиш ва ажралиш жараёнларида улардан беҳисоб катта энергия ажралиб чиқади. Бу энергиянинг катталигини кўз олдингизга келтириш учун америкалик олимлар Фейнберг ва Уиллорларнинг тажрибаларини эслаш кифоядир. Уларнинг айтишларича, оддий рўзғорда ишлатиладиган, қуввати юз ваттга тенг бўлган лампочканинг «бўш» фазосидаги энергетик потенциали ер шаридаги океан сувини қайнатиб юбориши мумкин экан. Фейнбергларнинг тажрибасини кўрмаганмиз. Шу боис хулосалари ҳам рўёдек туюлади. Аслида бу «бўш» фазодан ажралиб чиққан энергиянинг ҳаракати тўлқинсимондир. Лекин сиз «Бўш фазода электромагнит тўлқинлар таралмайди-ку?!» деб сўрашингиз мумкин. Аслида бу тўғри савол. Лекин у тўлқинларнинг таралиши учун ўша виртуаль заррачалари борлигининг ўзи кифоя. Бундан хулоса қилиш мумкинки, виртуаль заррачалар ўтказувчанлик токини эмас, балки силжиш токини ҳосил қилар экан. Тўлқинсимон ҳаракат қилувчи энергия фазода манфий ўтказувчанлик ҳосил қилиб, бунинг ҳисобига қўшимча энергия билан ўзини ўзи таъмин этиб юради. Шу боис улар абадул абад сўнмас бўлади. Расмий тан олинмаган коинотдаги бу энергия, бир бутун марказий энергетик майдонни ташкил этади. Бу майдоннинг «ҳалқасимон олам» энергияси деб ном олгани кўпчиликка маълум. «Хўш, бу энергиянинг инсонларга таъсири қандай?» Бу энергия юқорида айтган суперзаррача каби инсон онгига таъсир этиб, унда қўшимча энергия уйғотиши, онгимизнинг ишлаш қобилиятини ўзгартира олиши мумкин. Фикримизнинг далили шу кунларда тез-тез тилга олинаётган ноёб қобилиятли экстрасенс одамларни кўрсатиш мумкин. Дарҳақиқат, экстрасенслар устида олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатдики, уларда фақатгина қўшимча энергия бўлмай, балки ўзларидаги энергияларни узоқ масофадан ҳам истаган объектга, хоҳ у инсон бўлсин, хоҳ онгсиз мавжудот бўлсин, ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Айни вақтда бу борада кўпгина изланишлар олиб борилаяпти...

Юқорида келтирилган фикрларнинг «Учар ликопча»га қандай алоқаси бор?» деб сўрашингиз мумкин. Ўйлаймизки, улар балки «Учар ликопча»га тўғридан-тўғри боғлиқдир. Зеро, биз юқорида айтиб ўтган заррачалар инсонларнинг онгига эквивалент, яъни ўхшашдир. Шу боис улар онгимиз билан ўзаро алоқада бўлиб, уни бошқара олар экан. Уларга тобе бўлмасликдан ўзга илож йўқ. Тафаккуримизнинг хусусиятларини бир кўринишдан иккинчи кўринишга ўтказиш, кўп ҳолларда ўша заррачаларнинг ихтиёрида бўлиб қолади десак, муболаға бўлмайди. Лекин бу билан тафаккуримизни бошқариш ўзимизнинг қўлимизда эмас экан-да, деган фикр туғилмаслиги керак. Албатта, онг ва эркимиз, энг аввало, ўзимизнинг ихтиёримизда. Лекин шундай лаҳзалар бўладики, биз, инсонлар ўзимизни мутлақо бошқара олмай қоламиз. Бундай пайтларда ўша заррачаларнинг ҳукмронлиги ошиб кетади. Агар фикримизни техника фанлари нуқтаи назаридан баён этсак, у заррачалар бош миямизда жойлашган биорадиотехник тармоқларимизнинг ишчи ҳолатларини бир доирадан (диапазондан) ёки каналдан иккинчи каналга, иккинчидан учинчи ёки бошқа каналларга ўтказиб юборади. Бу жараён, албатта, бизнинг иштирокимизсиз содир бўлаверади. Лекин бизда асосан биринчи канал ривожланган. Ўша каналлар орқали ташқи дунё билан узвий боғланганмиз. Қолган каналларимиз, гарчи бор бўлса ҳам, уларнинг ишчи ҳолатларига мосланган эмасмиз. Чунки у каналлар узунлиги асосий каналларимиз кўра оладиган тўлқин узунлигидан фарқ қиладиган тўлқинларни кўради, гаплашади ва улар учун керакли юмушларни бажаради. Хуллас, ўшандай вазиятга тушган инсонлар у заррачаларнинг қулбандлари бўлиб қолади. Ҳасан Саидов ва Нафиса Даврановалар ҳам шулар жумласидандир.

Бу ўринда ана шундай қулбандлардан бири бўлмиш «Г» исмли аёлнинг ўша заррачалар билан қилган суҳбатини келтириш жоиздир.

Кунларнинг бирида у аёл билан «Онгли заррача» орасида шундай суҳбат бўлади. Аввалига у заррача аёлга кўринади. Шунда аёл заррачадан сўрайди:

— Сен кимсан?

Заррача кўпчилик заррачалар номидан жавоб қайтаради:

— Биз ерлик инсонларни яратувчилармиз...

— Балки ғаламис ниятлидурсан, шундайми?..

— Қани, айтчи, ким ўз фарзандини ёмон кўради...

— Сен ерда яшайсанми, ёки...

— Агар бизнинг оёғимиз ерга теккундай бўлса, ер юзидаги барча жонзот қирилиб кетади...

— Шундай бўлса, ер юзида инсон зоти қолмас экан-да?!

— Ҳа, лекин биз ерликлардан намуна олиб, бошқа сайёраларга элтамиз.

— Ўзга сайёраларда ҳаёт борми?

— Йўқ.

— Кашпировский ким?

— У бизнинг санитаримиз...

— Тушуна олмадим...

— Фарзандларимиз орасида беморлар кўпайиб кетмоқда. Беморларга шифо бахшида этиш учун биз уни юборганмиз...

— Ундан бошқа санитарларингиз ҳам борми?..

— Ҳа, бор. Аммо уларни эндигина тайёрлаяпмиз.

— Гап ноёб қобилиятли одамлар тўғрисида бораяптими?

— Ҳа...

Бу воқеа, гарчи гўё ривоятдек туюлса ҳам, лекин унинг бўлиб ўтгани аниқ. Инсонларда бу ва шу каби воқеалар содир бўлаётганда бизнинг асосий каналларимиз тормоз ҳолатига ўтиб қолади. «Учар ликопча»ларга келсак, биз уларни дарҳақиқат, кўрамиз. Лекин асосий каналларимиз орқали эмас, балки бошқалари орқали кўрамиз. Агарда сиз «Учар ликопча»ни кўриб қолгудай бўлсангиз, ўзингизни текшириб кўринг. Қайси каналларингиз ишлаяпти экан, уни ажратиб олинг. Ўйлайманки, ўша пайтда сизнинг бошқа каналларингиз ишлаётган бўлади. Агарда сиз, ўша пайтда асосий каналларингизни ишчи ҳолатига ўтказа олсангиз «Учар ликопча» ўша оннинг ўзидаёқ ғойиб бўлади. Шу боис бобокалонларимиз ўшандай пайтда «Сен калима келтир», — деб бежиз айтмаганлар. Бу билан улар асосий каналингга ўтишга ҳаракат қил, демоқчи бўлганлар. Демак, бу «калима» сўзи ҳам диний тушунча эмас экан.

Валентин Николаевич Фоменконинг фикри бўйича «Учар ликопча» ўша онгли заррачаларнинг транспорт, яъни ҳаракат воситасидир. Бу ҳақда бобокалонларимиздан мерос қолган афсона ва ривоятлар ҳам йўқ эмас.

Шундай экан, наҳотки ўша онгли заррачаларни ўз измимизга ўтказиб, уларни ўзимиз бошқара олишимиз мумкин эмас, деган савол туғилиши мумкин. Бу ҳақда Магариши Аюрведи билан шуғулланувчи ҳинд олими, Америкадаги Аюрведа тиббиёти уюшмасининг президенти Д. Чопра «Наука и религия» ойномасида алоҳида тўхталди.

Шундай қилиб, «Учар ликопча» афсона эканми ёки ҳақиқат? Азиз ўқувчилар, буни талқин этиш ўзларингизга ҳавола. Ҳар қалай «Учар ликопча»ни кўраётганлар, ўша пайтда ўзларининг қайси каналларида ишлаётганликларини ёки англаётганликларини билиб олсалар, эҳтимол, «Учар ликопча»лар ҳақидаги фикрларимиз янада тўлиқ ва мукаммаллашган бўлур эди, албатта.

**Тўхтасин КАРИМБЕРДИЕВ,**
**Тошкент политехника илмгоҳининг доценти, техника фанлари номзоди.**

